

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**География кафедраси**

**Қўлёзма ҳуқуқида**

**НАСИРДИНОВА НИГОРАХОН НУРБЕК ҚИЗИ**

**Мавзу: “ШАҲАРЛАР ГЕОГРАФИЯСИ” ФАНИНИНГ АСОСИЙ  
ТУШУНЧАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА  
ЎҚИТИЛИШ МУАММОЛАРИ**

5140600-география таълим йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш  
учун ёзилган

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар: география фанлари  
номзоди, доцент Р.Б.Қодиров**

**Андижон - 2018**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>БИРИНЧИ БОБ. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ.....</b>	<b>6</b>
<b>1.1. Интерфаол усулли технологиялар ва улардан фойдаланиш.....</b>	<b>6</b>
<b>1.2. География таълимида технологик харита ва уни тузиш йўллари.....</b>	<b>14</b>
<b>ИККИНЧИ БОБ. ШАҲАРЛАР ГЕОГРАФИЯСИ ФАНИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ ВА УЛАРНИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚИТИЛИШ МУАММОЛАРИ .....</b>	<b>19</b>
<b>2.1. Аҳоли манзилгоҳлари. Урбанизация мавзусини ўқитишда инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари.....</b>	<b>19</b>
<b>2.2. Шаҳарлар географияси фанидан ностандарт тест саволларидан намуналар.....</b>	<b>38</b>
<b>2.3. Глоссарий.....</b>	<b>44</b>
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>53</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>54</b>

## КИРИШ

**БМИ мавзусининг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси - улкан инсон салоҳиятига эга бўлган мамлакатлар сарасига киради. 2016 йилда меҳнат ресурслари сони жами аҳолининг 55,4 фоизини ташкил этди. Сўнгги йилларда меҳнат ресурслари сони йилига ўртача 400-500 минг кишига ортиб бормоқда. Мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражаси билан белгиланувчи мазкур омил ўз навбатида уни ривожлантириш ва тараққий эттиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Айниқса қишлоқ жойларида меҳнат базаларининг асосий муаммоси – иш ўринларининг талаб даражасидан пастлигидир. Бу узоқ даврлар мобайнида қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли пайдо бўлган. Бундай номувофиқликлар ишсизлик, ишлашни хоҳлайдиган, лекин турли сабабларга кўра бандлик хизматларида рўйхатга олинмаган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли тўпланганлиги билан боғланган.

Янги иш ўринлари аксарият холларда саноатда, моддий ишлаб чиқаришнинг қишлоқ хўжаликнинг кам даражада боғлиқ бўлган ёки умуман боғлиқ бўлмаган тармоқларида шаклланмоқда. Бу эса, қишлоқ жойларида, яъни ишлаб чиқариш соҳаси тармоқлари соҳаси кам ташкил этиладиган ҳудудларда бандликни таъминлашнинг сунъий ечимини ҳосил қилиш ҳолатларини келтириб чиқармоқда ёки меҳнат лаёқатидаги аҳолининг салмоқли қисмини кўшни давлатлар Қозоғистон, Россия ҳудудига ишлаш учун “нолегал” тартибда чиқиб кетиши холларини келтириб чиқармоқда. Бу ўз ўрнида минтақадаги миграция жараёнларининг фаоллашувига олиб келмоқда.

Маълумки, демографик жараёнлар тарихи инсоният тарихи қадар қадимий бўлиб XIX-XX асрлар давомида анча фаол тус олди. “19-асрда 50 млн. Европалик бошқа қитъаларга кўчиб ўтди. Бунинг асосий сабаби, яшаётган жойларида ерларнинг етишмовчилиги ва кўчиб борган жойларида эса ерларнинг арзон баҳоларга сотилишидир. Кўчиб борган мухожирларнинг кўпчилиги қишлоқ жойларида ўрнашди. 19-асрнинг охири 20-асрнинг бошларида эса миграция оқими йирик саноатлашган шаҳарларга қаратилди”.

Миграция жараёнларини ўрганиш эса, узок ўттиз йиллик танаффусдан сўнг 1950-йилларда бошланган бўлиб, бу даврда Европадаги Полша, Германия, Чехия, Словакия мамлакатлари ва Россиянинг асосан шарқий қисми аҳолиси миграцияси чуқурроқ тадқиқ этилган.

Бугунги глобаллашув жараёни фаол кечаётган шароитда демографик жараёнлар хусусиятлари ўтган асрга нисбатан тубдан фарқ қилади. Яъни ишлаб чиқариш тезлиги ва аҳоли даромадлари юқори, коммуникациялар ривожланган, қулай шарт-шароитларга эга бўлган минтақаларга меҳнат ресурсларининг интилиши билан характерланади. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида режалаштирилган иқтисодиётдан фарқли ўларок, демографик жараёнларга янгича ёндошишни тақозо этмоқда.

Шу боис, республика аҳолиси билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этишда илмий мактабларнинг пайдо бўлиши, демографик жараёнлар қонуниятларининг чуқур таҳлил этилиши бугунги кунда иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда аҳоли географияси билан бир қатор таниқли олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар. Айниқса, М.Қорахонов, О.Б.Атамирзаев, А.А.Қаюмов, А.С.Солиев, Х.Салимовларнинг ишлари диққатга сазовордир. Шунингдек, Ш.Азимов, З.Раимжонов, А.Хатамов, М.Мамажонов, Р.Б.Қодиров каби олимлар томонидан чуқур тадқиқ қилинган.

Аҳоли географиясини умумтаълим мактабларида ўқитилиш муаммолари бугунги кунда мавжуд бўлиб, улар махсус тадқиқ этилмаган. Ушбу БМИ мазкур мавзуда амалга оширилган дастлабки тадқиқотдир.

**Тадқиқот мақсади.** Аҳоли географияси фанини умумтаълим мактабларида ўқитиш жараёнида мумкин қадар илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолатда дарс ўтиш, мана шунинг натижасида ўқувчиларга мавзуни тезроқ етказиш, уларнинг хотирасида ўтилган мавзуни узок сақлаб қолиш мазкур БМИ нинг асосий мақсади ҳисобланади.

**Тадқиқот вазифалари.** БМИ нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:  
– ўтилаётган мавзуни илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолатда ўтиш технологиясини ишлаб чиқиш;

– ўтилаётган мавзуни замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолатда ўтиш технологиясини ишлаб чиқиш;

– дарс ўтиш жараёнида энг янги маълумотлардан ва илғор ўқитувчилар методикасидан фойдаланиш, таълим тизимига оид энг сўнгги янгиликлар ва ўзгаришларни таълимга олиб кириш;

– аҳоли географияси фанининг асосий хусусиятларини очиб бериш, дунё ва республикамиз аҳолиси сони, унинг динамикаси, миграцияси ва шунга ўхшаш мавзуларни ўқувчиларга мазмунли қилиб етказиш.

**БМИ нинг объекти ва предмети.** Ишнинг тадқиқот объектини иқтисодий ва ижтимоий географиянинг илғор тармоғи ҳисобланган аҳоли географияси фанининг асосий хусусиятлари. Тадқиқот предмети аҳоли географиясининг муҳим мавзулари ҳисобланган аҳоли динамикаси, демографик жараёнлар, аҳолининг таркиби, миграцияси, урбанизация даражаси ва бошқа мавзулардир.

**Тадқиқот методлари.** Мавзуни тадқиқ этишда картографик, таққослаш, кузатиш, тизим-таҳлил, баланс, тавсифлаш, тарихий, статистик каби бир қатор методлардан фойдаланилди.

**БМИ нинг илмий янгилиги.** Аҳоли географияси замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида дарс ўтиш. Методик жиҳатдан ўқувчиларда ўтилган мавзуни мазмунли қилиб тушунтириш. Шу асосда фан, яъни аҳоли географияси фани методикага боғланди. Бу унинг асосий янгилиги ҳисобланади. Шунингдек:

– аҳоли географиясига оид энг сўнгги илмий ва статистик маълумотлар берилди ва илмий таҳлиллар асосида муҳим хулосаларга келинди;

– аҳоли географияси фанига тааллуқли бўлган мавзулар илғор педагогик ва замонавий технологиялар асосида ўтиш йўллари очиб берилди.

**БМИ нинг тузилиши ва ҳажми.** БМИ кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

# **БИРИНЧИ БОБ. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

## **1.1. Интерфаол усулли технологиялар ва улардан фойдаланиш**

Умумтаълим мактабларида география дарсларини ўқитишда кўплаб педагогик технологияларни қўллаш мумкин. Биз қуйида улардан айримларига тўхталиб ўтамиз.

### **Давра суҳбати усули**

Давра суҳбати – ўқувчилар ўртасида ва кичик гуруҳларда айлана стол атрофида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш усулидир.

Давра суҳбати усули қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу эса ҳар бир ўқувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси” ни ўрнатиб туришга ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуд. Оғзаки давра суҳбатида ўқитувчи мавзунини бошлаб беради ва ўқувчилардан ушбу мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди. Айлана бўйлаб ҳар бир ўқувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган ўқувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тинглаб бўлингандан кейин муҳокама қилинади. Бу эса ўқувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Ёзма давра суҳбаатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир ўқувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир ўқувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва ёнидаги ўқувчига узатади. Конвертни олган ўқувчи ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги ўқувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

### **“Давра суҳбати” усулининг афзалликлари:**

- ўтилган материални яхши эсда сақлаб қолишига ёрдам беради;
- барча ўқувчилар ўзаро мулоқатда бўладилар;
- ҳар бир ўқувчи ўзининг иштирок этиш маъсулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш имконияти мавжуд.

## **“Ишбоп ўйин” усули**

Ишбоп ўйин – берилган топшириқларга кўра ёки ўйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик қарорларини қабул қилишни имитация (тақлид қилиш, акс эттириш) усули ҳисобланади.

Ўйин фаолияти бирон бир ташкилот вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчиларнинг хулқ-атвори ва ижтимоий вазифаларни имитация қилиш орқали берилади. Бир томондан ўйин назорат қилинса, иккинчи томондан оралик натижаларга кўра иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзгартириш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун вазифани бажариш жараёни индивидуал – гуруҳли характерга эга. Ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифаси бўйича қарор қабул қилади, сўнгра гуруҳ билан маслаҳатлашади. Ушбу шахсий вазифа бўйича мақсадга эришиш бутун гуруҳ аъзолари эришган натижаларга боғлиқ. Ўйин якунида ҳар бир иштирокчи ва гуруҳ эришган натижаларга қараб баҳоланади.

### **“Ишбоп ўйин” усулининг афзалликлари:**

- ўқувчиларнинг билимларини ва тажрибаларини ўз қарашлари ва хулқлари орқали ифода этишга ёрдам беради;
- ўқувчининг бошланғич билимлари ва тажрибаларини сафарбар этиш учун яхши имконият яратилади;
- ўқувчилар ўз билимлари доирасидан келиб чиққан ҳолда имкониятларини намойиш этишлари учун шароит яраталади.

### **“Йўналтирувчи матн” усули**

1. Йўналтирувчи матн – ўқувчилар мустақил равишда йўналтирувчи саволлар ёрдамида маълумот йиғиш, режалаштириш, амалга ошириш вазифаларини бажарадиган усулдир.
2. “Йўналтирувчи матн” усули лойиҳалаш билан чамбарчас боғланган. Ушбу икки усулни бир-биридан қуйидаги нуқтаи назар бўйича фарқлаш мумкин:
3. “Йўналтирувчи матн” ўқувчиларнинг мустақил ўрганишларига қаратилган;
4. “Лойиҳалаш” усули эса ўқувчиларнинг мустақил ўрганишдарн ташқари, бутун эътиборини касб ўрганида керак бўладиган шахсий қобилиятлар ва кўникмаларни такомиллаштиришга қаратилган.

“Йўналтирувчи матн” усулидан ўз амалиёт дарсларида фойдаланиш тавсия этилади. Ушбу усулни ўтказиш босқичлари лойihalаш усулининг босиқчлари билан бир хилдир.и маълумот йиғиш, ражалаштириш, амалга ошириш ва текшириш босқичларида ўқувчи ва ўқитувчи орасида “қайтувчи алоқа” ўрнатилиб, биргаликда муҳолкама қиладилар. Ўқувчиларга бошланғич босқичларда ўқитувчи томонидан тузилган ёзма хужжатлар берилади. Бундай хужжатларга техник чизмалар, топшириқлар варақаси, баҳолаш варақаси ва бошқалар киради.

***“Йўналтирувчи матн” усулининг афзалликлари:***

- ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларинининг шаклланишига олиб келади;
- ўқувчиларнинг мустақил ўрганиш кўникмаларини шакллантиради;
  - ўқувиларда мулоқат қилиш, ўз натижаларини ўзи текшириш кўникмаларини ривожлантиради;
- ўқувчиларда иш-харакатларни режалаштириш, мустақил қарор қабул қилиш каби кўникмаларни ривожлантиради.

**“Муаммоли вазият” усули**

Муаммоли вазият – ўқувчиларга муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш ва уларнинг ечимини топишга асосланган усулдир. “Муаммоли вазият” усули учун танланган топшириқнинг муракаблиги ўқувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, ўқувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади.

***“Муаммоли вазият” усулининг афзалликлари:***

- ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради;
- ўқувчилар сабаб, фарқ ва таъсирларни топишни ўрганадилар;
- ўқувчиларнинг билим ва тажрибаларини баҳолаш учун яхши имконият яратилади;
- ўқувчилар фикр ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.



## “Ақлий хужум” усули

Ақлий хужум – ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) усулидир. “Ақлий хужум” усули бирор муаммони ечишда ўқувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулохазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали усулдир. “Ақлий хужум” усулининг ёзма ва оғзаки усуллари мавжуд. Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга ўқувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини билдиради. Ўқувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклда эса берилган саволга ўқувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларига қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки “пинборд” доскасига (ингалар ёрдамида) маҳкамланади.

“Ақлий хужум” усулининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуд. Ушбу усул тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий хужум” усулидан фойдаланилганда ўқувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан ўқувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Талабалар ўз фикрларини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар танқидий баҳоланмаслиги ўқувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу усул ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

“Ақлий хужум” усули ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Ўқувчиларнинг бошланғич билимларни аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда бу усул дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга ошириш ўринлидир.
2. Мавзунини такрорлаш ёки бир мавзунини кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда – янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда – мавзудан сўнг, дарсни мустаҳкамлаш қисмида амалга ошириш самара беради.

***“Ақлий ҳужум” усулининг афзаллик томонлари:***

- натижалар баҳоланмаслиги ўқувчиларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;
- ўқувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар рағбатлантириб борилади;
- ўқувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- ўқувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотиш мумкин.

***“Ролли ўйин” усули***

Ролли ўйин ўқувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берувчи усулдир. Ролли ўйинларининг ишбоп ўйинлардан фарқли томони якуний баҳолашнинг олиб борилмаслигидир. Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар ўқувчиларда шахслараро муомила малакасини шакллантиради.

Ўйин якунида ўқувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган ўқувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.

“Ролли ўйин” усулида ўқитувчи ўқувчилар ҳақида оддиндан маълумотларга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир ўқувчининг индивидуал характери, хулқ-атвори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши зарур.

***“Ролли ўйин” усулининг афзаллик томонлари:***

- ўқув жараёнида ўқувчиларда мотивация (қизиқиш)ни шакллантиришга ёрдам беради;
- ўқувчиларда шахслараро муомила малакаси шакллантирилади;
- назарий билимларни амалиётда қўллай олишни ўргатади;
- ўқувчиларда берилган вазиятни таҳлил қилиш малакаси шакллантирилади.

## **“Зиг-заг” усули**

“Зиг-заг” усули таҳсил олувчиларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдда сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда ҳар бир дарс давомида барча иштирокчиларни баҳолай олишга қаратилган. Ушбу технологияда тарқатма материаллар иштирокчилар томонидан яқка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштирилади ва ўзаро суҳбат, баҳс-мунозара, турли саволлар орқали уларнинг матнни қай даражада ўзлаштирганликлари назорат қилинади. Кичик гуруҳларнинг фаолликлари ва ўзлаштириш даражалари тезкор баҳоланади.

### ***“Зиг - заг” усули бир неча босқичда ўтказилади:***

**1-босқич.** 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳларни ташкил этиш ва ўрганиладиган мавзу матнини гуруҳлар сонига мос ҳолда алоҳида бўлақларга ажратган ҳолда гуруҳларга тарқатиш. Бунда ҳар бир гуруҳга алоҳида топширик берилади, тарқатма матнлар ҳам ҳар бир иштирокчига берилиши лозим.

**2-босқич.** Гуруҳ аъзоларига берилган матнлар иштирокчилар томоинадн яқка тартибда, сўнг гуруҳ билан мустақил ўрганилади.

**3-босқич.** Рақамлар ёзилган қоғозчалар (рақамлар кичик гуруҳ иштирокчиларининг сонига мос бўлиши керак) кичик гуруҳ иштирокчилари томонидан тортилади.

**4-босқич.** Ҳар бир кичик гуруҳлардаги бир хил рақамли иштирокчилар алоҳида стол атрофида бирлашадилар. Бу босқичда ҳар бир иштирокчи ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчи ролида иштирок этади.

Ўқитувчи сифатида ўрганиб келган материални шерикларига тушунтиради. Ўқувчи сифатида шериклари тушунтирган матнларни ўрганади. Гуруҳ иштирокчилари саволлар асосида бир-бирларига савол бериши ёки тест саволлари ёки шу иштирокчиларнинг тақдироти кўринишида олиб борилиши мумкин.

### ***Бу усулнинг афзаллиги:***

-ҳажм жиҳатидан катта материални мустақил ўзлаштириш имкониятининг мавжудлиги;

- кичик гуруҳларда ишлаш жараёнида ҳар бир гуруҳ аъзосининг гуруҳ билан ишлаш ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаши.

### **“Баҳс-мунозара” усули**

Баҳс-мунозара ўқувчиларни икки гуруҳга бўлган ҳолда бирор мавзу бўйича ўзаро баҳс, фикр алмашинуви тарзида ўтказиладиган ўқитиш усули. Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу усул қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини ўқувчиларнинг бирига топшириш мумкин. Баҳс-мунозарани ўқувчилар эркин ҳолда олиб бориш ва ҳар бир ўқувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу усул олиб борилганда ўқувчилар орасида пайдо бўладиган “низолар”ни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

### ***“Баҳс-мунозара” усулининг афзалликлари:***

- ўқувчини мустақил фикрлашга ундайди;
- ўқувчилар ўз фикрларининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қиладилар;
- ўқувчиларда эшитиш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради.

### **Инсерт технологияси**

Инсерт технологияси – ўқувчиларда ўқув материалларини ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш, таҳсил олувчиларнинг китоб билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш ҳамда уй вазифаларини мустақил бажаришда қўлланиладиган технологиядир. Ушбу технологияда иштирокчилар матнлардан мустақил фойдаланиш, олинган ахборотларни таҳлил қилиш, тизимлаштириш, белгилар қўйиб ўқиш, уларни қисқа ва аниқ баён қилиш кўникмаларига эга бўладилар.

### ***Усулнинг афзаллиги:***

- таҳсил олувчи матнлардан мустақил фойдалана олади;
- олинган ахборотларни муустақил таҳлил қила олади;
- ахборотларни тизимлаштириб, шартли белгилар ёрдамида уларни қисқа ва аниқ баён этиш кўникмасига эга бўлади;
- кичик гуруҳларда ишлаш жараёнида ҳар бир гуруҳ аъзосининг гуруҳ билан ишлаш ҳамжиҳатлиги мустаҳкамланади.

## **“Тармоқлар” (Кластер) усули**

Фикралрнинг тармоқланиши – бу педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларни бирон бир мавзуни чуқур ўзлаштиришларига ёрдам бериб, ўқувчиларни мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқлашларига ўргатади.

Бу усул бирон мавзуни чуқур ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилади. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда ўқувчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклда ифодалашга ундайди.

## **“Бумеранг” технологияси**

Мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шакллари қамраб олади ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида чиқиши мумкин.

“Бумеранг” технологияси танқидий фикрлаш, мантиқни шакллантиришга имконият яратади. Хотирани, ғояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Таълим билан бир қаторда мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- жамоа билан ишлаш маҳорати;
- муомилалик;
- хушфееьлик;
- кўникувчанлик;
- ўз фикрига ҳурмат;
- фаоллик;
- раҳбарлик сифатларини шакллантириш;

- ишга ижодий ёндашиш;
- ўз фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш;
- ўзини холис баҳолаш.

Асосий тушунчалар қуйидагилар:

1. Очiq саволлар – бу саволлар муомила, сўзлашувни давом эттиришга имкон беради. Уларга қисқа, бир хил жавоб бериш мумкин эмас.
2. Ёпиқ саволлар – бу саволлар оидан “ҳа” ёки “йўқ” типидаги тўғри, очiq, жавобларни беришни кўзда тутди.

## **1.2. География таълимида технологик харита ва уни тузиш йўллари**

Ҳар бир жамиятнинг келажаги таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Бугунги кунда мустақил таракқиёт сари бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унда илғор педагогик технологияларни қўллаш, ахборот технологияларини жорий этиш, таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўқувчиларга пухта билим бериш, таълим сифатини янги босқичга кўтариш “Таълим тўғрисида”га қонун, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий вазифаларидандир.

Фан-техника ривожини жамиятнинг демократиялашуви, бозор иқтисодиётига жадал кириб бориши барча соҳаларда бўлгани каби таълим мазмунини такомиллаштиришни тақазо этмоқда. Педагогик технологиянинг ривожланиши ва уларнинг ўқув юртлирида тарбия жараёнига олиб кирилиши, шунингдек ахборот технологияларини тез алмашинуви ва такомиллашиши жараёнида ҳар бир педагог ходим, ўз касбий тайёргарлигини, маҳоратини кучайтириш имконияти туғилди. Ўқувчиларга ҳар томонлама чуқур таълим ва тарбия беришда турли шакл, усул, восита, услуб ва йўналишлардан фойдаланиш таълим самарадорлигини юқори даражага кўтаради.

Таълимда педагогик ва дидактик талаб, ўқувчиларнинг дастурий билим, тасаввур ва кўникмалари асосида мустақил ишлаш самарадорлигини ошириш, илмий фикрлашга, ўқув фанига қизиқишини кучайтириш, касбий билимларини чуқурлаштириш, назарий ва амалий машғулоти мобайнида уларнинг фаоллигини оширишдан иборатдир. Жаҳон педагогика тажрибаси замонавий педагогик технологиялар ўқувчиларнинг фанларга қизиқишига, уларни мустақил ишлашда фаолликларини ошириш имкониятини яратади.

Таълимнинг бугунги вазифаси ўқувчиларни кун сайин ортиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборотлар оқимидан оқилона фойдаланишга ўргана олишдан иборат.

Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий ва фуқаролик жамияти куриш йўлидан бораётган бир пайтда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ва ҳаракатга келтирувчи кучи ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялашдан иборатдир.

Ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг мақсади, вазифалари, мазмуни услубий талабларга кўра фан-техника ва илм технология ютуқларидан самарали фойдаланиш бугунги куннинг таълим тизими олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ўқувчиларга таълим-тарбия беришда педагогик технологияга нима учун зарурат туғилди? Педагогик технологиянинг ўзи нима? Уни таълим жараёнига қандай олиб кириш мумкин? Педагогик технология жорий этиш жараёни қандай ташкил этилади? Шу ва шунга ўхшаш саволлар ҳар бир ўқувчини қизиқтириши табиий ҳол.

Бу саволларга жавоб олишда ўқитувчининг малакаси ва ижодкорлик маҳорати муҳим рол ўйнайди.

Мен мазкур БМИ да география фанига хос бўлган, ўқувчиларни география фанига қизиқишини яна ҳам орттиришга ёрдам берадиган, география таълими самарадорлигини юқори поғоналарга олиб чиқадиган, география фани ўқитувчиларига амалий ёрдам берадиган инновацион технологияларни ёритишга ҳаракат қилдим. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти таъкидлаганидек:

“Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди, бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси” дир.

Назарий метод таркибига моделлаштириш, технологиялаштириш, табақалаштириш, таққослаш, умумлаштириш, тасаввур этиш, лойихалаштириш, бир тизимга келтириш, интеграциялалашган тизимга солиш ва бошқа тушунчалар киради.

Шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчилар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатиб келинган эди. Бундай усул ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши, ижодий изланиши ва ташаббускорлигини сўндиради.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол услублардан фойдаланиб таълим самарадорлигин кўтаришга бўлган қизиқиш кундан кунга кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар қўлланилган машғулотлар ўқувчилар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳаттоки, хулосаларни ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилган. География фани ўқитувчиси бу жараёнда шахс ва жамоани ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади. Шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўқув жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади.

Ўқув жараёнидаги педагогик технология – аниқ кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, ўқувчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта ўйланган ва лойихалаштирилган ҳамда кафолатланган, муайян натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.

Таълим технологияси жараёнида ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар мустақил билим олади, ўрганади ва ўзлаштиради.

Педагогик технологияларда қуйидаги жараёнлар кузатилади:

- ташкил этиш;
- ҳамкорликда олиб бориш;
- такомиллаштириш;
- таҳлил қилиш;
- таққослаш;



- умумлаштириш;
- хулоса чиқариш;
- бошқариш;
- назорат қилиш;
- баҳолаш.

Педагогик технологияларни амалда қўллашда қуйидаги хусусиятларни санаб ўтиш мумкин:

1. Ўқувчи ўқитилмайди, балки у мустақил ўқитишга ўргатилади;
2. Ўқувчиларга билимлар тайёр ҳолда берилмайди, аксинча билимларни турли манбалардан (дарсликлардан) мустақил била олишга, мустақил ўз фикрида тура олишига ўргатилади;
3. Ўқувчиларнинг ўз қобилияти, эҳтиёжлари ва мойилликлари турли даражаларда ўзлаштиришлари кафолатланади;
4. Ўқувчилар фаоллиги ортади;
5. Ўқувчининг ўз фикрини билдира олиши, ўз фикрларини ҳимоя қила олиши, ишонтира олиши одатланиши ортади.

Янги педагогик технологиялар самарадорлиги, таълим олувчининг шахсан фаоллиги орқали амалга ошарилади. Ўқувчи мустақил мутолаа орқали мустақил фикр ярайтишга эришади.

Янги технологияларни қўллашда ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида ўқув жараёнида иштирок этадилар. Ўқитувчи ўқувчи мустақил билим олишга муҳит яратади, йўлланмалар беради. Ўқувчи ўқитувчи ҳамкорлигида, ҳамжиҳатлигида, ҳамфикрлигида иш юритади.

Педагог мақсадининг амалга ошиши ва кафолатланган мақсадга эришиши, ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорлигидаги фаолияти улар қўйган мақсад, танланган мазмун, услуб, шакл – воситага, яъни технологияга боғлиқ. Ўқитувчи ва ўқувчининг мақсаддан келиб чиққан ҳолда муайян натижага эришишида қандай технологияни танлашлари ўз ихтиёрларида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришиш учун балки компютер билан ишлаш лозимдир, балки филм ёки тарқатма материал, чизма

ва ахборотлар технологияси, турли адабиётлар керак бўлар, уларнинг барчаси ўқитувчи ва ўқувчиларга боғлиқ. Шу билан бирга ўқув жараёнини ташкил этишдан олдин уни лойихалаштириш лозим. Бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитни, энг асосийси ўқувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжини ва ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил эта олиши ҳисобга олиш керак. Шундагина керакли кафолатланган натижага эришиш мумкин. Қасқача айтганда ўқувчи таълимнинг марказига олиб чиқилиши керак.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолда кўра билиши ва уни тасаввур этиши учун бўлажак дарс жараёнини лойихалаштира олиши зарур. Бунда ўқитувчи учун бўлажак дарснинг технологик харитасини туза олиши катта аҳамиятга эгадир. Чунки дарсни технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитиладиган предмет фанининг хусусиятидан, ўқувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Технологик харитани тузиш учун ўқитувчи ўз касби, педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологияларидан хабардор бўлиши, шунингдек жуда кўп услуб ва усулларни билиши керак. Ҳар бир дарснинг ранг-баранг ва қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойихалаштирилган технологик харитасига боғлиқ.

Дарснинг технологик харитасини тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, ўз олдига қўган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик харита қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак. Технологик хаританинг тузилиши ўқитувчининг дарсни кенгайтирилган конспектини ёзишдан халос этади. Чунки бундай харитада дарс жараёни ҳамда ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг барча қирралари ўз аксини топади. Мисол тариқасида умумтаълим мактабларининг 8-9-синфларида “Аҳоли географияси”га таллуқли бўлган айрим мавзуларни ўтказиш учун режалаштирилган дарснинг олдидан лойихалаштирилган технологик хариталарини ҳавола этаман.

## ИККИНЧИ БОБ. ШАҲАРЛАР ГЕОГРАФИЯСИ ФАНИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ ВА УЛАРНИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚИТИЛИШ МУАММОЛАРИ

### 2.1. Аҳоли манзилгоҳлари. Урбанизация мавзусини ўқитишда инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари

#### Маъруза машғулотининг технологияси

Вақти – 2 соат	Ўқувчилар сони: 30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Муаллифлик маърузаси
Маъруза машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Шаҳарлар тизимининг ривожланиши.</li> <li>2. Урбанизация жараёни</li> <li>3. Урбанизация жараёнининг замонавий ривожланиш хусусиятлари.</li> <li>4. Ўзбекистонда шаҳар аҳоли манзилгоҳларининг ривожланиши</li> </ol>
Ўқув машғулотининг мақсади: Урбанизация жараёни тўғрисида ўқувчиларга чуқурроқ билим бериш.	
<p>Педагогик вазифалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- тарихий даврлар давомида шаҳар аҳоли манзилгоҳларининг ўзгариб бориш хусусиятларини тушунтириш;</li> <li>- урбанизация жараёнининг шаклланиш босқичларини очиб бериш;</li> <li>- урбанизация жараёнининг замонавий хусусиятлари ҳақида тушунча бериш;</li> <li>- Ўзбекистонда урбанизация жараёнининг муҳим томонларини очиб бериш.</li> </ul>	<p>Ўқув фаолиятининг натижалари:</p> <p>Ўқувчи:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Тарихий даврлар давомида шаҳар аҳоли манзилгоҳларининг ўзгариб бориш хусусиятларини ўрганади;</li> <li>- урбанизация жараёнининг шаклланиш босқичларини санаб беради;</li> <li>- урбанизация жараёнининг замонавий хусусиятлари хусусида маълумотга эга бўлади;</li> <li>- Ўзбекистонда урбанизация жараёни тўғрисидаги билимларга эга бўлади.</li> </ul>
Ўқитиш услуби ва техникаси	Муаллифлик маърузаси
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор.
Ўқитиш шакли	Фронтал, жамоа бўлиб ишлаш.
Ўқитиш шароитлари	Намунадаги аудитория.

## Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Ўқувчи
<b>1-босқич. Кириш (10 мин)</b>	<p>1.1. Мавзунинг режаси, мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, экранга чиқаради.</p> <p>1.2. Мавзу муаллифлик маърузаси шаклида ўтишини таъкидлайди ва материалларни таркатади (1-илова).</p> <p>1.3. Жуфтликда ишлаш ва фикрлашни таклиф этади.</p>	<p>1.1. Эшитадилар, ёзадилар.</p> <p>1.2. Эслайдилар ва олган материаллари ўқиб чиқадилар.</p>
<b>2-босқич. Асосий (30 мин)</b>	<p>2.1. Шаҳар аҳоли манзилгоҳлари ва урбанизация жараёни тўғрисида тезкор савол-жавоб ўтказилади.</p> <p>Ўқувчилардан иккитасига доскада кластер тузишни таклиф этади.</p> <p>2.2. Тарқатма материаллар билан танишиб чиқишни топширади ва саволларни ёзиб боришни таклиф этади.</p> <p>2.3. Шаҳар аҳоли манзилгоҳларининг минтақавий тарқалиш хусусиятлари тўғрисида савол-жавоб қилади.</p> <p>2.4. Ўзбекистонда урбанизация жараёнининг ўзига хос жиҳатлари хусусида маълумотлар беради.</p>	<p>2.1. Эшитадилар ва саволларга жавоб берадилар. Кластер тузадилар.</p> <p>2.2. Тарқатма материаллар билан танишиб юзага келган саволларни дафтарига ёзиб олади. Ўқувчилар ўз фикрларини билдирадилар ва саволлар беради.</p> <p>2.3. Шаҳар аҳоли манзилгоҳларининг минтақавий тарқалиш хусусиятларини айтиб беради.</p> <p>2.4. Ўзбекистонда урбанизация жараёнининг ўзига хос жиҳатларига доир маълумотларни ўрганиб тушунча ҳосил қилишади.</p>
<b>3-босқич Яқуний (5 мин)</b>	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди, фаол иштирокчилар рағбатлантирилади.</p> <p>3.2. Олинган билимларнинг келажакда амалиётда ва ўқув жараёнидаги аҳамиятини айтади.</p> <p>3.3. Мустақил таълим учун топшириқ беради: мавзунинг асосий тушунчалари бўйича кластер тузиш.</p>	<p>3.1. Эшитадилар, аниқлаштирадилар.</p> <p>3.2. Мустақил таълим учун топшириқларни ёзиб оладилар.</p>

## **“Жаҳон урбанизацияси” модули бўйича маъруза матни**

### **Режа:**

- 1. Жаҳон урбанизация жараёни, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, аҳоли пунктларига шаҳар статусини бериш қонун-қоидалари**
- 2. Урбанизация ва унга хос минтақавий хусусиятлар**
- 3. Шаҳарлар агломерациялари ва мегаполислар**
- 4. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда урбанизациянинг ривожланиши ва уларнинг иқтисодий таъсири**
- 5. Урбанизация ва экология**

Урбанизация иқтисодий ва ижтимоий географиянинг муҳим тушунчаларидан бири бўлиб, тадқиқот объекти сифатида унинг ўрни жуда юқоридир.

Аҳолининг шаҳар ва қишлоқ ўртасида тақсимланиш даражаси ҳудудларда саноат ва қишлоқ хўжалигининг қай даражада тараққий этганлигига боғлиқдир.

Урбанизация (лотинча “урбанус” - шаҳар) – муайян ҳудудда шаҳарлар сони ва шаҳар аҳолиси салмоғининг ўсиши, шаҳарлар ва шаҳарчалар системаси, шаҳарлар агломерациясининг таркиб топиши ва ривожланиши, умумий олганда эса шаҳар турмуш тарзининг кенг ёйилиши ҳисобланади.

Бинобарин, урбанизация жамият ҳаётида шаҳарлар ўрнининг ортиб бориши, аҳоли меҳнати, турмуш-тарзи ва маданиятининг кўпроқ шаҳарларга хос бўлган томонга ўзгариб боришидан иборатдир.

Урбанизация мамлакатлар иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражасини кўрсатиб берувчи индикаторлардан биридир.

Барча иқтисодий географик объектлар ичида шаҳарлар ўзини яхлитлиги, лўндалиги билан ажралиб туради. Чунки, улар сиёсий-маъмурий ёки иқтисодий географик марказлар ҳисобланади. Ўз навбатида шаҳарлар жуда мураккаб объект ҳамдир.

Шаҳарларнинг ўтмиши, ҳозирги аҳволи, ҳудудий жойлашуви ва истиқболлари кўп фанларни қизиқтириб, уларнинг доимо диққат марказида бўлиб келган. Шунинг учун шаҳарлар кўп фан вакиллари томонидан кенг ўрганилади.

Урбанизация ХВИИИ асрда Европада саноат инқилоби туфайли таркиб топди ва кучая борди. Урбанизациянинг ижобий томонлари билан бирга салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Шунинг учун урбанизация билан боғлиқ муаммолар ҳозирги даврнинг энг долзарб масалаларидан бирига айланиб улгурди.

Шаҳарлар кишилиқ жамиятнинг тенгдоши бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тарихий тараққиёти инсоният тарихи билан чамбарчас боғланган. Ер шарига энг қадимий шаҳарлар Қадимги Бобил, Миср, Вавилон, Қадимги Римда пайдо бўлган.

Шаҳарлар келиб чиқишига энг аввало ижтимоий меҳнат тақсимоти сабаб бўлган. Маълумки, деҳқончиликнинг чорвачилиқдан ажралиб чиқиши натижасида дастлабки меҳнат тақсимоти пайдо бўлди. Аммо бунинг натижасида шаҳарлар вужудга келмади. Деҳқончилик, айниқса суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши аҳолининг ўтроқлашишига олиб келди, доимий аҳоли пунктларини вужудга келтирди. Суғориш иншоотларининг қурилиши, уларни ҳимоя қилиш туфайли кишиларнинг биргалиқда жамоа бўлиб яшашига олиб келди. Натижада аҳоли пунктлари катталашиб, йириклашиб борди.

Кейинчалик деҳқончиликдан ҳунармандчилик ва савдо ажралиб чиқди. Бу эса шаҳарларнинг пайдо бўлишига асос бўлди. Шаҳарлар синфий жамият билан тенгдош. Аммо борган сари шаҳар билан қишлоқ ўртасида фарқ ортиб, шаҳарларнинг устиворлиги сезилиб боради.

Аграр даврда шаҳарлар ҳунармандчилик ва қул (инсон) билан савдо қилишди. Ўрта асрларда ҳунармандчилик мануфактурага етди, савдода эса асосий ролни ер эгаллади. Ўрта асрларда шаҳарларнинг ҳам ўз ери бор эди.

Саноат инқилоби даврига келиб шаҳарларнинг ҳукмронлиги (гегемонлиги) янада кучайиб кетди. Энди улар саноат, транспорт (айниқса, темир йўл ва денгиз) ва бойлик ортириш (капитал) марказларига айланди. Шу даврга келиб Осиё ва Европа шаҳарлари ўртасидаги фарқ сезила бошланди. Агар Европа типигаги шаҳарлар йирик

саноат, молия ва капитал маркази бўлса, Осиёдаги шаҳарлар ўзининг келиб чиқишига кўра суғорма деҳқончилик маданияти маркази ва савдо-сотиқ билан боғлиқ бўлиб қолди.

Республикада XX аср 60-йилларидан шаҳарлар географияси тезлик билан ўрганила бошлади. Қисқа давр ичида бу фан тезлик билан ривожланди. Бугунги кунда шаҳарлар географияси иқтисодий ва ижтимоий география фанининг муҳим бир қисмига айланди. Шаҳарлар ишлаб чиқариш кучларни ҳудудий ташкил этилишининг асосий бўғинлардан бири бўлиб, иқтисодий географик тадқиқот объеклари ичида ўзига хос хусусиятга эга. Шаҳарлар мамлакат ва районлар иқтисодий ва ижтимоий географиясини ўзида яққол мужассамлаштиради, миллий иқтисодиёт, илмий–техник тараққиёт ва сиёсий мустақилликни мустаҳкамлашда етакчи роль ўйнайди.

Илк меҳнат тақсимоти натижасида деҳқончилик ва чорвачиликнинг ажралиши, деҳқончилик ҳудудларида илк аҳоли пунктлари вужудга келиши юз берди. Қадимда ҳунармандчиликнинг, кейинчалик саноатнинг ривожланиши аҳоли пунктларининг ривожланишига сабаб бўлди. Саноатнинг тез суъратлар билан ривожланиши саноат марказларида аҳолининг сон жиҳатдан тез ўсишига сабаб бўлди. XIX аср бошларида Лондон, Париж, Нью – Йорк дунёнинг энг йирик шаҳарларига айланди. Бу даврда шаҳарларда Ер шари аҳолисининг 3 %, XX аср бошларида 13,5 % аҳолиси яшаган бўлса, XXI асрга келиб бу кўрсаткич 50 % га етди.

Илмий манбаларда кўрсатилишича, шаҳарлар мақомини белгилашда аксарият ҳолларда қуйидаги асосий иккита белги ҳисобга олинади:

1. Аҳоли сони;
2. Банд аҳолининг иқтисодиёт тармоқларида тақсимланиши.

Шаҳар статусини беришда шаҳарда қанча аҳоли яшаши кераклигини аниқлаш бўйича қўйиладиган талаблар жаҳон мамлакатларида турлича бўлиб улар биридан тубдан фарқ қилиш мумкин.

Аҳоли сони қараб шаҳар статусини беришда жаҳоннинг айрим мамлакатларида қуйидагича талаблар қўйилган:

1. Дания, Швеция, Финландия, Исландия – 200 киши;
2. Канада, Австралия – 1000 киши;
3. Германия, Франция, Куба – 2000 киши;
4. АҚШ ва Мексика – 2500 киши;
5. Австрия, Ҳиндистон, Эрон, Мадагаскар – 5000 киши;
6. Ўзбекистон – 7000 киши;
7. Швейцария, Малайзия – 10000 киши
8. Россия – 12000 киши;
9. Нигерия, Голландия – 20000 киши
10. Япония – 30000 киши;
11. Корея Республикаси – 40000 киши.

**Шаҳар** деб мавжуд аҳолининг  $\frac{2}{3}$  қисми қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда банд бўлган аҳоли пунктларига айтилади. Шаҳарлар ривожланишида аҳоли сони асосий ўлчам ҳисобланмайди.

Ҳозирда дунёда 85 минг шаҳар аҳоли пунктлари бўлиб, улардан 372 таси миллионер шаҳар ҳисобланади (аҳолиси 1 миллиондан ошган шаҳарлар). Миллионер шаҳарлар орасида мегаситиларнинг кўпайиши кузатилмоқда (аҳолиси 10 млн. дан ошган шаҳарлар). Уларнинг энг каттаси Токио (26,4 млн. киши) ҳисобланади.

Шаҳарларнинг ихтисослашув соҳаларига кўра уларни бир ёки кўп функцияли шаҳарларга ажратиш мумкин. Умуман, аҳоли ва ишлаб чиқариш соҳаларининг шаҳарларда ривожланиши, шаҳар турмуш тарзининг кенг ёйила бошлаши урбанизация жараёнининг ривожланишига олиб келди. Бу жараён натижасида шаҳар ҳудудларининг кенгайиши юз беради (агломерация, мегаполис). Ҳозирда ривожланган давлатларда шаҳардан шаҳар четларига кўчиш кузатилаётган бўлса, ривожланаётган давлатларда бунинг аксини кўриш мумкин.

Ўзбекистонда аҳолининг қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келганлиги, ўзига хос миллий анъаналар ва қадриятлар аҳолининг кўпроқ қишлоқларда яшаганлигига сабаб бўлган. Ҳозирги кунда ҳам республикада



урбанизация даражаси анча пастлиги билан ажралиб туради (51 %). Республика шаҳарлари орасида бир соҳага ихтисослашган шаҳарлар билан бир қаторда кўп функцияли шаҳарлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Саноат ривожланган вилоятларда урбанизация даражаси юқори, шаҳарларнинг умумий сони ҳам кўп бўлади. Масалан: Тошкент, Навоий, Жиззах вилоятлари. Хоразм, Сурхандарё, Қашқадарё каби қишлоқ хўжалигига ихтисослашган вилоятларда бу ҳолатнинг аксини кўрамиз. Урбанизация даражасининг энг юқори кўрсаткичи Қорақалпоғистон Республикасида кузатилади (60 %). Республикада аҳоли пунктларини шаҳарлар қаторига киритиш масаласи борасида қўйиладиган талаблар ҳам юқорида кўрсатиб ўтилганлардан катта фарқ қилмайди.

Республикада аҳоли пунктларини шаҳарлар қаторига киритиш борасида қонун–қоидаларни ишлаб чиқишда ҳар бир аҳоли пунктининг ўзига хос табиий, иқтисодий, тарихий ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олинади.

Мамлакатимизда аҳоли пунктларига шаҳар статусини бериш учун қуйидаги талаблар қўйилган:

А) аҳоли сони;

Б) аҳоли меҳнатнинг қандай турлари билан банд эканлиги (бунда аҳолининг 2/3 қисмидан кўпроғи ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларидан иборат бўлиши керак);

В) мазкур аҳоли пунктларида саноат корхоналари, ижтимоий-коммунал хўжалик ташкилотлари, уй-жой хўжалиги, ўқув юртлари, маданий-маърифий, тиббий, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, ижтимоий инфраструктура тизимининг мавжудлиги.

Урбанизация жараёнини кўрсатиб берувчи асосий ҳолатлардан ҳисобланган агломерация жараёни ривожлана бормоқда. Ҳозирда моноцентрик агломерация ҳисобланган Тошкент, полицентрик агломерация ҳисобланган Фарғона – Марғилон агломерациялари мавжуд. Марказий Осиёдаги энг йирик миллионер шаҳар ҳам

Ўзбекистонда жойлашган (Тошкент).

Илмий адабиётларда шаҳарлар агломерациясига турли таърифлар берилган.

Г.Асанов шаҳарлар агломерациясига қуйидагича таъриф беради:

**Агломерация** – 1. Тўпланиш, жамланиш. Чунончи, ҳаддан ташқари кўп кишиларнинг бир жойда тўпланиши. Агломерация деганда биз бирон нарсанинг бир жойда ғуж бўлиб тўпланишини тушунамиз:

1. Қишлоқ агломерацияси қуйидаги шакллар билан фарқ қилади: кичикрок посёлкалар, катта ва кичик қишлоқлар йиғиндиси;

2. Йирик ёки бир – бирига яқин жойлашган бир неча шаҳар базасида ҳудудий ва иқтисодий ҳосила. Шаҳарлар агломерацияси учун саноат ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларининг юксак даражада концентрацияланиши ва шу муносабат билан малакали кадрлар ва илмий ҳамда ўқув муассасалари объектларининг тўпланиши, инженерлик ва коммуникация қурилишларининг умумийлиги, аҳолининг ўта зичлиги ва бошқалар характерлидир.

3. Агломерациялар бир неча типга бўлинади. Булар қуйидагилар:

4. **Моноцентрик агломерация** – йирик шаҳар атрофида йўлдош шаҳарларнинг пайдо бўлиши.

5. **Полицентрик агломерация** – икки ва ундан ортиқ йирик шаҳар атрофида йўлдош шаҳар ва шаҳарчаларнинг йиғилиши.

6. **Чўзиқ агломерация** – денгиз соҳили, дарё қирғоғи ёки темир йўл магистрالي бўйлаб узунасига жойлашган агломерация.

7. Агломерация аҳоли жойлашишининг энг муҳим типик системасидир, бу тушунчага қуйидагича таъриф берилади:

# Агломерацияларнинг типлари



Моноцентрик агломерация



Полицентрик агломерация



Меридионал агломерация



Чўзиқ (кенглик) агломерация

“Агломерация” деганда шундай худудий – иқтисодий ҳосила тушуниладики, бу ҳосила йирик шаҳар (ёки зич жойлашган бир неча шаҳарлар – конурбация) негизида пайдо бўлади ва урбанизациянинг каттагина зонасини шакллантиради, ён – атрофидаги аҳоли пунктларини ўзига қўшиб олади. Хилма – хил моддий ва номоддий ишлаб чиқариш корхоналари, биринчи галда саноат корхоналари инфраструктура объектлари, илмий ва ўқув муассасаларининг юксак даражада худудий концентрациясини вужудга келтиради. Шунингдек, аҳолининг ўта зич жойлашганлиги билан бошқа худудлардан фарқ қилади.

Агломерациянинг ана шу барча характерли белгилари унинг амалий аҳамият касб этган кўп тармоқли, кўп функцияли аҳоли системаси сифатида ривожланиши ва хўжаликнинг энг илғор тармоқларига ихтисослашишини тақозо этади.

Шундай қилиб, шаҳарлар агломерацияси ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг умумий хўжалик тизимида кенжа система ва айни пайтда, мамлакатда аҳоли жойлашиш умумий системасида ҳам кенжа системадир, дейишга тўғри келади.

Дастлаб агломерация тушунчаси саноат жойлашувига нисбатан Германия ва Франция мамлакатларида ишлатилган, яъни саноат корхоналарининг бир жойда тўпланишини акс эттирган. **Шаҳарлар агломерацияси** деганда марказий катта шаҳар атрофида жойлашган уч ва ундан ортиқ шаҳар типигаги аҳоли пунктларининг бир-бири билан ўзаро қўшилиб кетиши ва улар ўртасидаги узвий алоқадорлик тушунилади. Унинг асосий белгилари қуйидагилар:

1. Марказий шаҳар аҳолиси 100 минг кишидан кўп бўлиши;
2. Марказий шаҳар яқинидаги шаҳар типигаги аҳоли пунктлари сони (йўлдош шаҳарлар) уч ва ундан ортиқ ҳамда уларнинг барчасида умумий агломерация аҳолисининг 10 фоизидан кўпроғи яшаши;
3. Марказий ва йўлдош шаҳарлар орасида “аҳоли алоқаси”, яъни тебранма миграция ривожланган бўлиши;
4. Агломерация таркибига кирадиган йўлдош шаҳарлар икки соатли масофада жойлашиши керак.

Шаҳар агломерациясининг моҳияти ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ва бир жойда тўпланиши, аҳоли жойланиши ва тақсимланиши контрастлигининг кучайиши, кўпгина фаолият турларининг ривожланиши учун жуда қулай бўлган ареалларда йиғилиш жараёнини акс эттиради. Алоҳида шаҳар бу жараёнларнинг миқёслари ва интенсивлигига жавоб бера олмайди. Бинобарин шаҳар агломерацияси барқарор меҳнат, маданий, маиший ва ишлаб чиқариш алоқалари, ягона ижтимоий ва техник инфраструктура билан бирлашган, ҳудудий жиҳатидан бир-бирига яқин ва иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғланган аҳоли яшаш пунктларининг кенжа системасидир. У аҳоли жойлашиши ва тақсимланишининг бутунлай янги шаклидир. Уларга фаол ривожланган ядроларни ўз ичига оладиган, кенг шаҳар тўпламларининг бир–бирига қўшилиб кетиши, янги–янги ҳудудларни ўз орбитасига қамраб олиши, аҳолининг кўплаб тўпланиши, шаҳар атрофи хўжалигининг ривожланиши ва шаҳар марказлари билан шаҳар атрофи зоналари ўртасида аҳолининг агросекторга алоқаси бўлмаган меҳнатга жалб этилиши, айниқса яқин жойлашган шаҳар ва шаҳарчаларда агломерация доирасида ишга, ўқиш, маданиятга, хизмат кўрсатишга ва ишчи –

хизматчиларнинг дам олиш жойларига аҳолининг кенг миқёсда миятниксимон миграция воситасида иштирок этиши каби хусусиятлар хосдир.

Катта шаҳарларнинг ривожланиши ҳозирги давр урбанизациясининг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири бўлган шаҳарлар агломерациясининг вужудга келиши ва тараққий этишида муҳим омилдир. Чунки, катта шаҳарларда ижтимоий – иқтисодий, ташкилий хўжалик, илм – фан ва маданият тараққиёти учун катта имкониятлар тўпланган бўлади. Бундай шаҳарларда одатда кўплаб моддий ва номоддий ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқарув–хизмат доираси муассасалари жойлашган бўлиб, ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг объектив эҳтиёжлари сифатида йўлдош шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг пайдо бўлишига имконият туғилади.

Жаҳон аҳолиси сони ва унинг ижтимоий ҳаётида шаҳарлар сони ва уларда мавжуд аҳоли сонининг кўпайиши, яъни урбанизация жараёни муҳим ўрин тутди. Урбанизациянинг географик моҳиятини қуйидаги мисолларда ифодалаш мумкин. Урбанизациялашган ҳудудлар Ер куруқлик юзасининг 1% дан сал ортиқ қисмини эгаллагани ҳолда, бу ерда жаҳон аҳолисининг 48,7% и истиқомат қилади. Ялпи ички маҳсулотнинг 80 % и ишлаб чиқарилади. Шу вақтнинг ўзида атмосфера ва гидросферага чиқарилаётган захарли чиқинди ва газларнинг 80 % и ҳам айна ушбу ҳудудларга тўғри келади. Урбанизация жараёни шаҳарлар сони ва шаҳар аҳолисининг миқдори ҳамда улушининг ўсишини, шаҳарлар билан боғлиқ мураккаб тармоқлар ва тизимларнинг шаклланиши ва ривожланишини англатади. Демак, урбанизация инсон ҳаётида шаҳарлар аҳамиятининг беқиёс ошишини, жамиятда аҳолининг меҳнат қилиш хусусияти, турмуш тарзи ва маданиятини, ишлаб чиқаришни жойлаштириш бўйича шаҳарлашни ўзида акс эттирувчи тарихий жараёндир. Урбанизация ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Замонавий урбанизация умумжаҳон жараёни сифатида кўпчилик мамлакатларга хос бўлган учта умумий жиҳат билан ифодаланади. Шулардан *биринчи жиҳат*— кам ривожланган мамлакатларда шаҳар аҳолиси сонининг юқори суръатларда ўсишини билдиради. Дунёда 1900-йилда мавжуд жами аҳолининг салкам 14 % и шаҳарларда яшаган. Бу кўрсаткич 1950-йилда 29 % ни, 1990-йилда 45 % ни, 2015-

йилда 48,7 % ни ташкил этди.

### Урбанизацияга хос қуйидаги жараёнлар мавжуд:

**Урбанизация** (лотинча *urbus* – “шаҳар”) – аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг катта миқдорда шаҳарларда тўпланиши.

**Шаҳар агломерациялари** – турли катталиқдаги шаҳарларнинг маъмурий, ишлаб чиқариш, ижтимоий, маданий алоқалар натижасида бирлашуви.

Англияда агломерациялар **конурбация** (лотинча *con* – “бирга”, *urbus* – “шаҳар”), АҚШда **метрополис** (грекча *metropolis* – “асосий шаҳар, марказ”) деб номланади.

**Мегалополис** (грекча *megalu* – “катта”, *polis* – “шаҳар”) – йирик шаҳарлар ва шаҳар агломерацияларининг бир-бирига қўшилиб кетиши.

**Рурбанизация** (инглизча *rural* – “қишлоқ”) – шаҳар ҳаёт тарзининг қишлоқларга кириб бориши.


**Субурбанизация** – шаҳар атрофидаги манзилгоҳлар аҳолиси

**Иккинчи жиҳат** — аҳоли ва хўжаликнинг асосан катта шаҳарларда тўпланганлиги билан боғлиқ. Бундай ҳолат, авваламбор, ишлаб чиқаришнинг хусусияти, уни илм-фан, таълим тизими билан бўлган алоқадорлиги натижасида мураккаблашуви билан боғланган. Маълумки, катта шаҳарлар инсонларнинг маънавий ва маданий талабларини тўлароқ қондиради, хилма-хил товарлар ва хизматлар билан яхшироқ таъминлайди, мавжуд ахборот манбаларига йўл очиб беради.

Жаҳонда ХХ аср бошида аҳолисининг сони 100 мингдан ортиқ 150 та шаҳар мавжуд бўлиб, уларга аҳолининг атиги 5 % и тўғри келган. Бундай шаҳарларнинг миқдори 90-йилларнинг бошида 2,5 мингни ташкил этди, 2008-йилда эса 3,5 мингдан ўтиб кетди. Уларга тегишли тарзда жами аҳолининг 1/3 ва 2/5 қисми тўғри келди. Катта шаҳарлар ичида аҳолисининг сони 1 млн. дан ортиқ бўлган йирик ва жуда йирик шаҳарларни алоҳида ажратиш қабул қилинган. ХХ аср бошида бундай шаҳарлар сони 10 та бўлса, 80йилларнинг бошида 200 дан, 2008-йилда эса 400 дан ошиб кетди. Мазкур шаҳарлар ичида «супер шаҳар»лар

(аҳолисининг сони 5 млн. кишидан ортиқ) миқдори 90-йилларда 30 тани, 2010-йилда эса 65 тани ташкил этди. Ҳозирги вақтда ушбу шаҳарларда салкам 0,5 млрд. киши ёки Ер шари аҳолисининг салкам 10 % и истиқомат қилмоқда.

### Жаҳондаги энг йирик шаҳарлардаги аҳоли сони (млн. киши, 2015-йил)



Замонавий урбанизацияга хос *учинчи жиҳат* — шаҳарлар ҳудудининг кескин кенгайиб, ёйилиб кетиши билан боғланган. Шаҳарлар агломерацияларининг ўзаги вазифасини, одатда, пойтахтлар, бошқа муҳим саноат марказлари ва йирик денгиз портлари бажармоқда. Жуда йирик шаҳарлар агломерациялари Токио, Мехико, Сан-Пауло, Нью-Йорк ва Колката (собик Калкутта) шаҳарлари атрофида шаклланган. Шуларнинг ҳар бирида 13,1 млн. дан 30,2 млн. гача аҳоли истиқомат қилади. Ҳозирги вақтда 2 ва ундан ортиқ агломерациялар ҳудудининг қўшилиб кетиши натижасида урбанизациялашган районлар ва зоналар, энг муҳими, мегалополислар вужудга келмоқда. Шуларнинг ичида Токайдо, Босваш, Сансан, Чипиц мегалополислари алоҳида ўрин эгаллайди.

## Жаҳон мамлакатлари урбанизация даражасига кўра гуруҳлаштириш



Урбанизация жараёни умумий хусусиятларидан ташқари айрим регионлар ва мамлакатлар миқёсида ўзига хос хусусиятлар билан ифодаланади. Урбанизация даражаси бўйича жаҳондаги барча мамлакатларни уч йирик гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Юқори даражада урбанизациялашган мамлакатлар (шаҳар аҳолисининг улуши 50 % дан юқори);
2. Ўртача даражада урбанизациялашган мамлакатлар (шаҳар аҳолисининг улуши 25 % дан 50 % гача);
3. Паст даражада урбанизациялашган мамлакатлар (шаҳар аҳолисининг улуши 25 % дан кам).

Ҳозирги вақтда аҳолисининг жами (100 %) шаҳар ва шаҳарчаларда истиқомат қилувчи мамлакатлар қаторига Сингапур, Монако, Бермуд ороллари, Кайман ороллари, урбанизация даражаси 90—100 % га тенг мамлакатлар



қаторига Андorra, Аргентина, Бахрайн. Бельгия, Исландия, Исроил, Кувайт, Малта, Қатар, Сан-Марино, Уругвай, Венесуэла киради. Шу билан бирга, Ер шарида урбанизация даражаси жуда паст (25 % дан кам) бўлган мамлакатлар ҳам анчагина. Шундай мамлакатлар таркибини Афғонистон, Бутан, Буркина-Фасо, Бурунди, Камбоджа, Эритрея, Эфиопия, Кения, Лесото, Малави, Непал, Нигер, Папуа—Янги Гвинея, Шри-Ланка, Свазиленд, Тожикистон, Танзания, Уганда ташкил этади.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда урбанизация билан боғлиқ атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда эса моддий маблағларнинг етарли эмаслиги мазкур муаммоларни тўла-тўқис ҳал этишга имкон бермаяпти.

<i>Қитъалар</i>	<i>Улуши, фоиз ҳисобида</i>
<i>Шимолий Америка</i>	<i>77</i>
<i>Жанубий Америка</i>	<i>75</i>
<i>Европа</i>	<i>75</i>
<i>Австралия ва Океания</i>	<i>75</i>
<i>Осиё</i>	<i>36</i>
<i>Африка</i>	<i>35</i>
<i>Дунё бўйича</i>	<i>49</i>

Мэгаполис атамаси 1970-йилда БМТ томонидан аҳолиси 8 миллион ва ундан ортиқ кишига етган шаҳарларга нисбатан “мэгаполис” атамасини қўллаш мумкинлиги ҳақида таклиф қабул қилинган. 1990-йилда эса БМТ ва Осиё тараққиёт банки тэрминни аҳолиси сони 10 мллион киши, юқори бўлган шаҳарларга нисбатан қўллашни жорий этди. 1950-йилда мэгаполислар АҚШнинг Нью-Йорк (12,3 миллион киши), Япониянинг Токио шаҳри (11,3 миллион киши) шаҳар мэгаполислари сифатида тарқалган эди. 1975-йилга кэлиб бундай шаҳарлар 4 тани, 2003-йилга кэлиб 20 тага етди. Мутахассисларнинг фикрича 2015-йилга кэлиб, мэгаполислар сони яна 2 тага кўпайиши мумкин.

Ушбу мэгаполисларда, айниқса, аҳолиси сони 35 миллиондан ортиқ бўлган Япониянинг пойтахти Токио шаҳри алоҳида ажралиб туради. Боиси ушбу мэгаполис инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида аҳоли унинг атрофидаги маълум

худудлар Токио шаҳри шаҳри тасарруфига ўтиб кэлмоқда. Шунингдек, бошқа мэгаполисларга нисбатан ушбу шаҳар аҳолиси тэзроқ кўпаймоқда, яъни ҳар йили ўрта ҳисобида 3 % га ошмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, шаҳар маъмурияти ушбу кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда махсус дастурлар амалга оширмоқда.

Маълумотларга кўра, сўнгги 30 йил ичида мэгаполислар сони, айниқда, ривожланган мамлакатлар ҳисобига ортиб бормоқда. Тахминларга кўра, 2015-йилга келиб, Ҳиндистоннинг Бомбай, Дэхли, Бразилиянинг Сан-Паулу, Мэксиканинг Мэхико ва Нигэриянинг Лагос шаҳарлари аҳолиси сони 20 миллиондан ортиши мумкин. Бу эса ўз навбатида бир қанча ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни кэлтириб чиқариши мумкин.

**Мэгаполислар салбий оқибатлари.** Ҳозирги кунга келиб саноат корхоналари ва транспорт воситалари томонидан мэгаполисларда чиқарилаётган зарарли моддалар ўпка, аллэргия, юрак –қон томир, онкологик касалликлар сонининг ортишига, ҳатто ўлим ҳолатларини қайд этишга олиб кэлмоқда. Мэгаполисларда атмосферани ифлослашда автоуловларнинг улиши 30 % ни ташкил этади. Иссиқлик элэктр станциялари, қозонхоналар, нэфтни қайта ишлаш корхоналари ҳам атмосфэра ҳавосига улкан салбий таъсир кўрсатади. Бу эса зарарли моддаларнинг сув томчилари билан қўшилиб, “смог”ларни юзага кэлтирмоқда.

1952-йилда худди шундай куноқ зарарли туман, яъни “смог” Лондонда 4 минг кишининг ҳаётига зомин бўлди. Ҳозирги кунга келиб Нью-Йорк, Чикаго, Ботсон, Дэтроит, Милан, Мадрид каби мэгаполислар вақти–вақти билан юзага кэладиган муаллоқ тумандан азият чэкмоқда.

Сайёрамизнинг аҳоли нуфузи бўйича энг йирик саналадиган шаҳарларнинг 10 тасидан 8 таси Ер қобиғининг ёрилган сэйсмик хавфли худудларида жойлашган. Бу эса ўн миллионлаб одамларнинг ҳаёти ва хавфсизлигига таҳдид солади.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ҳисобига кўра мэгаполислар аҳолисининг 10 % шовқун–сурон туфайли эшитиш қобилятини йўқотиши маълум бўлди. Мутахассислар фикрича 60 дицэблдан ошган шовқин мутассил таъсир этиб турадиган бўлса, инсонда асаб тизими касалликларига йўлиқиш эҳтимоли ортади.

Шовқин 100 дицэблдан ортганда эса, одамнинг мия фаолияти бузилади, қон босими ортиб, унда гаранглик ҳолати пайдо бўлади.

Илк меҳнат тақсимооти натижасида деҳқончилик ва чорвачиликнинг ажралиши, деҳқончилик ҳудудларида илк аҳоли манзилгоҳлари вужудга келиши юз берди. Қадимда хунармандчиликнинг, кейинчалик саноатнинг ривожланиши аҳоли манзилгоҳларининг ривожланишига сабаб бўлди. Саноатнинг тез суъратлар билан ривожланиши саноат марказларида аҳолининг сон жиҳатдан тез ўсишига сабаб бўлди. XIX аср бошларида Лондон, Париж, Нью – Ёрк дунёнинг энг йирик шаҳарларига айланди. Бу даврда шаҳарларда ер шари аҳолисининг 3 % ,XX аср бошларида 13,5 % аҳолиси яшаган бўлса, XXII асрга келиб бу кўрсаткич 50 %га етди.

Шаҳар деб мавжуд аҳолининг 2/3 қисми қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда банд бўлган аҳоли манзилгоҳларига айтилади. Шаҳарлар ривожланишида аҳоли сони асосий ўлчам ҳисобланмайди.


Ҳозирда дунёда 85000 шаҳар аҳоли манзилгоҳлари бўлиб, улардан 372 таси миллионер шаҳар ҳисобланади (аҳолиси миллиондан ошган шаҳарлар). Миллионер шаҳарлар орасида мегаситиларнинг кўпайиши кузатишмоқда (аҳолиси 10 млн.дан ошган шаҳарлар). Уларнинг энг каттаси Токио (26,4 млн. киши) ҳисобланади.

Шаҳарларнинг ихтисослашув соҳаларига кўра уларни бир ёки кўп функцияли шаҳарларга ажратиш мумкин. Умуман, аҳоли ва тшлаб чиқариш соҳаларининг шаҳарларда ривожланиши, шаҳар турмуш тарзининг кенг ёйила бошлаши урбанизация жараёнининг ривожланишига олиб келди. Бу жараён натижасида шаҳар ҳудудларининг кенгайиши юз беради (агломерация, мегалополис). Ҳозирда ривожланган давлатларда шаҳардан шаҳар четларига кўчиш кузатилаётган бўлса, ривожланаётган давлатларда бунинг аксини кўриш мумкин.

Ўзбекистонда аҳолининг қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келганлиги, ўзига хос миллий анъаналар ва кадриятлар аҳолининг кўпроқ қишлоқларда яшаганлигига сабаб бўлган. Ҳозирги кунда ҳам республикада урбанизация даражаси анча пастлиги билан ажралиб туради (51 %). Республика шаҳарлари орасида бир соҳага ихтисослашган шаҳарлар билан бир қаторда кўп функцияли шаҳарлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Саноат ривожланган

вилоятларда урбанизация даражаси юқори, шаҳарларнинг умумий сони ҳам кўп бўлади. Масалан: Тошкент, Навоий, Жиззах вилоятлари. Хоразм, Сурхандарё, Қашқадарё каби қишлоқ хўжалигига ихтисослашган вилоятларда бу ҳолатнинг аксини кўрамиз. Урбанизация даражасининг энг юқори кўрсаткичи Қорақалпоғистон Республикасида кузатилади (60 %).

Урбанизация жараёнини кўрсатиб берувчи асосий ҳолатлардан ҳисобланган агломерация жараёни ривожлана бормоқда. Ҳозирда моноцентрик агломерация ҳисобланган Тошкент, полицентрик агломерация ҳисобланган Фарғона – Маарғилон агломерациялари мавжуд. Марказий Осиёдаги энг йирик миллионер шаҳар ҳам Ўзбекистонда жойлашган (Тошкент).



## Урбанизацияга хос қуйидаги жараёнлар мавжуд:

**Urbanizatsiya** (*lotincha urbus – “shahar”*) – aholi va ishlab chiqarishning katta miqdorda shaharlarda to’planishi.

**Shahar aglomeratsiyalari** – turli kattalikdagi shaharlarning ma'muriy, ishlab chiqarish, ijtimoiy, madaniy aloqalar natijasida birlashuvi.








Angliyada aglomeratsiyalar **konurbatsiya** (*lotincha son – “birga”, urbus – “shahar”*), AQShda metropolis (*grekcha metropolis – “asosiy shahar, markaz”*) deb nomlanadi.

**Megalopolis** (*grekcha megalu – “katta”, polis – “shahar”*) – yirik shaharlar va

## 2.2. Шаҳарлар географияси фанидан ностандарт тест саволларидан намуналар

1. Қуйида берилган қайси шаҳарларнинг рамзлари тасвирланган ва уларни мос ҳолда жадвалда рақамлар билан ифодаланг


- 1) Рио-де-Жанейро;
- 2) Токио;
- 3) Самарқанд;
- 4) Дубай;
- 5) Агра;
- 6) Страсбург;
- 7) Сидней.

						
?	?	?	?	?	?	?

Расмли ва кўп жавобли ностандарт тест жавоби қуйидагича бўлади:


						
5	1	4	6	3	7	2

## 2. Расмда берилган “Супершаҳарлар” га мос рақамларни ёзинг



Супершаҳарлар	Рақамлар	Супершаҳарлар	Рақамлар
Мехико		Каликут	
Токио		Буэнос-Айрес	
Шанхай		Нью-Йорк	
Лондон		Москва	

Харитали ва кўп жавобли “Супершаҳарлар” ностандарт тест жавоби:



Супершаҳарлар	Рақамлар	Супершаҳарлар	Рақамлар
Мехико	6	Каликут	5
Токио	1	Буэнос-Айрес	7
Шанхай	6	Нью-Йорк	2
Лондон	8	Москва	3

**3. “Буюк саккизлик” мамлакатларининг урбанизация даражасига кўра камайиб бориш тартибида жойлаштиринг**

Мамлакатлар	Шаҳар аҳолиси улуши, % ҳисобида	Жойлашиш тартиби
АҚШ		
Япония		
Германия		
Франция		
Буюк Британия		
Канада		
Италия		
Россия		

**Жавоби:**

Мамлакатлар	Шаҳар аҳолиси улуши, % ҳисобида	Жойлашиш тартиби
АҚШ	81,4	4
Япония	93 %	1
Германия	75,1	6
Франция	79,3	5
Буюк Британия	82,3	2
Канада	81,6	3
Италия	68,8	8
Россия	73,9	7



**4. Шаҳарларни харита асосида қайси мегаполис таркибига киришини аниқланг ва жадвалга мос рақамларни ёзинг (1-Сансан, 2-Босваш, 3-Чипте)**

	Шаҳарлар	Рақамлар
	Нью-Йорк	2
	Лос-Анжелес	1
	Чикаго	3
	Вашингтон	2
	Сан-Франциско	1
	Бостон	2
	Питсбург	3

**Жавоби:**

	Шаҳарлар	Рақамлар
	Нью-Йорк	2
	Лос-Анжелес	1
	Чикаго	3
	Вашингтон	2
	Сан-Франциско	1
	Бостон	2
	Питсбург	3

**5. Урбанизацияга хос тушунчаларни аниқланг**

1.	Урбанизация	А	Марказий катта шаҳар атрофида жойлашган уч ва ундан ортиқ шаҳар типдаги аҳоли пунктларининг бир-бири билан ўзаро қўшилиб кетиши		
2.	Шаҳарлар агломерацияси	В	Шаҳарлар агломерацияларида аҳолининг қайта тақсимланиши		
3.	Мегаполис	С	Бир неча йирик шаҳарлар агломерацияларининг ўзаро бирикиб, ягона улкан макон ҳосил қилиши		
4.	Субурбанизация	Д	Муайян ҳудудда шаҳарлар сони ва шаҳар аҳолиси салмогининг ўсиши		
Жавоб:		1 -	2 -	3 -	4 -

**Жавоби:**

Жавоб:	1 – Д	2 – А	3 – С	4 – В
--------	-------	-------	-------	-------

**6. Агломерацияларга берилган таърифни атамалар билан жуфтланг**

1.	Моноцентрик агломерация	А	Марказий катта шаҳар атрофида жойлашган уч ва ундан ортиқ шаҳар типдаги аҳоли пунктларининг бир-бири билан ўзаро қўшилиб кетиши
----	-------------------------	---	---

2.	<i>Полицентрик агломерация</i>	<i>Б</i>	<i>йирик шаҳар атрофида йўлдош шаҳарларнинг пайдо бўлиши</i>		
3.	<i>Шаҳарлар агломерацияси</i>	<i>С</i>	<i>денгиз соҳили, дарё қиргоғи ёки темир йўл магистрали бўйлаб узунасига жойлашган агломерация</i>		
4.	<i>Чўзиқ агломерация</i>	<i>Д</i>	<i>икки ва ундан ортиқ йирик шаҳар атрофида йўлдош шаҳар ва шаҳарчаларнинг йиғилиши</i>		
Жавоб:	1 -	2 -	3 -	4 -	

**Жавоби:**

Жавоб:	1 - В	2 - Д	3 - А	4 - С	
--------	-------	-------	-------	-------	--

**7. Шаҳарларни вужудга келтирувчи омиллар бўйича билан жуфтланг**

№	Шаҳарлар	№	Омиллар		
1	<i>Дубна, Академгородок, Тарту, Кембриж, Оксфорд, Гарвард</i>	<i>А</i>	<i>Курорт</i>		
2	<i>Чортоқ, Сочи, Пятигорск, Ессентуки, Минеральные Воды</i>	<i>В</i>	<i>Саноат</i>		
3	<i>Гулистон, Янгиер, Пахтакор, Бўз, Улугнор, Ёзёвон, Жомашўй</i>	<i>С</i>	<i>Конлар</i>		
4	<i>Ангрен, Олмалик, Зарафшон, Муборак, Қоровулбозор, Газли</i>	<i>Д</i>	<i>Кўриқ ерни ўзлаштириш</i>		
5	<i>Чирчиқ, Бекобод, Навоий, Толимаржон</i>	<i>Е</i>	<i>Илм – фан</i>		
Жавоб:	1 -	2 -	3 -	4 -	5 -

**Жавоби:**

Жавоб:	1 - Е	2 - А	3 - Д	4 - С	5 - В	
--------	-------	-------	-------	-------	-------	--


**8. Мегалополисларни қайси мамлакатда жойлашувига қараб жуфтланг**

№	Мегалополислар	№	Мамлакатлар			
1	<i>Токайдо</i>	<i>А</i>	<i>АҚШ</i>			
2	<i>Босваш</i>	<i>В</i>	<i>Германия</i>			
3	<i>Англия</i>	<i>С</i>	<i>Буюк Британия</i>			
4	<i>Чипитс</i>	<i>Д</i>	<i>Япония</i>			
5	<i>Рейн</i>	<i>Е</i>	<i>АҚШ</i>			
6	<i>Сансан</i>	<i>Ф</i>	<i>АҚШ</i>			
Жавоб:	1 -	2 -	3 -	4 -	5 -	6 -


**Жавоби:**

Жавоб:	1 - Д	2 - А	3 - С	4 - Е	5 - В	6 - Ф	
--------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	--

## 9. Ўзбекистон шаҳарларини аҳолиси сони ўсиб бориши тартиби билан жуфтланг



**Жавоби:**



## 2.3. ГЛОССАРИЙ

**Агломерация, аҳоли пунктлари агломерацияси** – аҳоли пунктлари, асосан шаҳарлар, шунингдек, қишлоқларнинг интенсив хўжалик меҳнат ва маданий-маиший ҳамда рекреатсион алоқалар билан боғланиб, ягона бирликни ташкил қилган компакт ҳудудли гуруҳи.

**Агломерация(Аггломератион)-йирик шаҳар** атрофида қатор шаҳар ва қишлоқларнинг мужассамлашуви ва ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиши. Унинг учун бир ёки бир неча йирик шаҳар (ядрози), икки ёки ундан ортиқ йўлдош шаҳар, ядро ва йўлдош шаҳарлар ўртасида камида икки соатли аҳоли алоқалари бўлиши лозим.

**Агломерация** – тўпланиш, жамланиш. Чунончи, ҳаддан ташқари кўп кишиларнинг бир жойда тўпланиши.

**Андижон шаҳри** - Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг қадимий ва йирик шаҳарларидан бири. У Фарғона водийсининг жануби – шарқий қисмида, вилоятнинг қоқ марказида, денгиз сатҳидан 496 м баландликда, Қорадарё водийсининг чап соҳилида, интенсив суғорма деҳқончилик ривожланган минтақада жойлашган.

**Асосий фондлар, корхоналарнинг асосий фондлари** – ишлаб чиқаришга узоқ муддат хизмат қиладиган, ўз натурал буюмларини ўзгартирмаган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнида бир неча бор қатнашадиган меҳнат қуроллари ва воситалари.

**Аҳоли мигратсияси** – аҳолининг яшаш жойини ўзгартириши билан боғлиқ кўчиши.

**Аҳолининг миллий таркиби** – муайян ҳудуд ёки мамлакатда яшовчи аҳолининг миллатлар бўйича таркиби.

**Аҳолининг табиий ўсиши** – маълум давр ичида туғилганлар ва ўлганлар сони ўртасидаги фарқ.

**Вилоят, жумладан Қорақалпоғистон Республикасига бўйсунувчи шаҳарлар** - муҳим саноат аҳамиятига молик иқтисодий ва маданий марказ ҳисобланган ҳамда аҳолиси 30 мингдан кам бўлмаган шаҳар ва шаҳар посёлкалари. Айрим ҳолатларда, яъни саноат ва маданий-сиёсий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳамда ижтимоий иқтисодий, тараққиёт ва аҳоли ўсиш борасида қулай

истикболга эга бўлган айрим шаҳарлар аҳолиси 30 мингдан кам бўлса ҳам вилоятда бўйсунувчи шаҳарлар каторига киритиш мумкин.

**Географик муҳит** – табиатнинг инсоният жамияти мавжуд бўлган, одамнинг бутун ҳаёти ва ишлаб чиқариш фаолияти рўй берадиган қисми.

**Геосиёсат, географик сиёсат** – сиёсатшуносликдаги назария. Геосиёсат термини муайян бир мамлакат ўрни, табиий бойликлари иқлими ва бошқа географик омилларнинг давлат ташқи сиёсатига (географик сиёсий стратегияси ва ҳ.к.) муайян таъсирни ифодалаш учун ишлатилади. Геосиёсат тушунчасини биринчи бор Р. Челлен (Шветсия) илмий муомалага киритган.

**Демократия чизиғи** - 1) ҳарбий ишда урушувчи томонларни вақтинча **яраш** вақтида ажратиб турувчи чизиқ (ўт очиш тўхтатилган чизиқ); 2) мағлуб давлат ҳудудини зоналарга бўлувчи чизиқ; 3) қўшни давлатлар ўртасида даъволашилаётган ҳудудда доимий чегара аниқлангунга қалар вақтинча белгиланадаган чизиқ.

**Давлат чегараси** – давлатнинг қуруқлик ва сувдаги доирасини белгилайдиган чизиқ.

**Деурбанизация (Деурбанисатион)**- йирик шаҳарлардан аҳолининг атрофга кўчиб кетиш (қочиш) ҳоллари.

**Диверсификация** – иқтисодий ёки ишлаб чиқариш фаолиятининг бир вақтнинг ўзида бир неча йўналишларда олиб борилиши. Бу бозорга тезроқ мослашишга имкон беради.

**Дунёвий шаҳарлар (Гхе ворлдwide ситиес)**- муайян соҳа ёки тармоқ ва йўналишга ихтисослашган, аҳоли сонидан қатъий назар жаҳон аҳамиятига молик бўлган шаҳарлар.

**Ёқилғи-омили** -иссиқлик электр станциялари қора металлургия саноатининг дастлабки босқичини жойлаштиришда асосий роль ўйнайди. Аммо унинг таъсири ҳар доим етакчи кучга эга эмас. Бундай ҳол нефть ва унинг маҳсулоти мазут, табиий газ асосида ишловчи иссиқлик электр станцияларини қуришга тааллуқли бўлади.

**Жаҳон бозори** – халқаро меҳнат тақсимоотида иштирок етиш билан ўзаро боғланган мамлакатлар ўртасидаги барқарор товар пул муносабатлари тизими.

**Жаҳон хўжалиги** – турли мамлакатлар миллий иқтисодиётининг бозор муносабатлари замирида бир бирини тақозо этгани ҳолда умумжаҳон яхлитлигини ташкил этиши; жаҳондаги ўзаро алоқадор миллий хўжаликлар ва халқаро иқтисодий муносабатлар мажмуи.

**Иқтисодий ва социал география** - мустақил фан сифатида турли мамлакат ва районларда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш ва жойланиш хусусиятлари ҳамда инсон ҳаёт фаолияти ва яшаш тарзининг ҳудудий жиҳатларини ўрганади.

**Иқтисодий географик ўрин** шаҳарларнинг ўзидан ташқарида ётган иқтисодий географик объектларга нисбатан (дарё, темир йўл, ГЭС, фойдали қазилма конлари, саноат районлари, денгиз портлари ва бошқ.) тутган ўрни.

**Иқтисодий география** - саноат географияси, қишлоқ хўжалик географияси, транспорт географияси, қишлоқ хўжалик географияси, табиий ресурслар ва улардан фойдаланиш географияси ва ҳоказо.

**Илмий-техник тараққиёт** омилининг таъсири бир қатор тармоқларни ҳудудий ташкил этишда аниқ намоён бўлади. Масалан, машинасозлик, электротехника ва қимё саноат тармоқларига тегишли кўпгина корхоналар юксак даражада илмий техника қудратига эга бўлган шаҳарларда жойлаштирилади.

**Ихтисослашув** - меҳнат тақсимооти ва иқтисодий районларнинг таркиб топиши билан ҳамбарчас болиқдир. Унинг **уч босқичи** - **корхона, шаҳар ва туман** миқёсидаги ихтисослашуви, шунингдек, **уч тури** – **қисм (детал); технологик ёки ярим маҳсулот** ва **предмет** (товар маҳсулот ишлаб чиқариш) ихтисослашуви мавжуд.

**Комбинация** - кооперацияга ўхшаб корхоналар бирлашмасидан иборат. Бунда тарқоқ ҳолда жойлашган бирлик эмас, балки уларнинг ҳудудий умумийлиги тушунилади

**Комплекс** – муайян мақсад сари тўпланган ҳодисалар ёки предметлар мажмуаси. У бир бутунликни ташкил этувчи ҳодиса ва предметлар мажмуасидан иборат.

**Конурбация (Сонурбатион)**-худудий жихатдан бир-бири билан кўшилиб кетган шаҳар ва шаҳарчаларнинг улкан тизими. У ҳам агломератсиянинг бир кўриниши.

**Конурбация** (лотинча – “Conorbs” – “con” – “билан”, “биргаликда” ва “orbs” – шаҳар) – бир – бирига яқин жойлашган ва иқтисодий жихатдан боғлиқ бир гуруҳ шаҳарлар мажумаси.

**Кооперация** – бир маҳсулот яратиш учун турли корхоналарнинг ҳамкорлиги бўлиб, бунда уларнинг тармоқ ҳолда жойлашуви кузатилади. Бунда қатнашувчи корхоналар сони вужудга келаётган маҳсулотнинг мураккаблигига болиқ бўлади.

**Кўрик шаҳарлар** - янги ерларни ўзлаштириш натижасида вужудга келган шаҳарлар

**Мавзу** – араб тилида жойлаштирилган, кўйилган деган маънони англатади.

**Макрогеографик ўрин** - шаҳарнинг олис масофадаги объектларга нисбатан тутган ўрни.

**Мамлакат (Соунтри)**– сиёсий – географик термин бўлиб, муайян чегараларга ва давлат суверенитетига эга бўлган ёки бошқа бир давлат ҳукмронлиги остида бўлган худуд (мустамлака, бошқарув остидаги худуд) ни англатади.

**Марказий Осиё** ушбу атама Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон республикалари учун 1992 йилда 5 та давлат президентлари томонидан қабул қилингандан сўнг қўлланилмоқда. Ҳозирда бу атама халқаро ташкилотлар ва жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган. Аммо географик нуқтаи назардан ёндошилганда Марказий Осиёга Афғонистон, Мўғулистон, Хитойнинг Уйғур – Синцзян райони ҳам киради. Бундан ташқари “Кенг маънодаги Марказий Осиё” атамаси ҳам мавжуд бўлиб, бу худудлардан ташқари Эрон, Озарбайжон, Туркия, ҳатто Ҳиндистоннинг маълум қисмлари ҳам киради.

**Математик географик ўрин** - шаҳарнинг қайси географик координатада, яъни кенглик ва узоқликда жойлашиши.

**Мегалополис (Мегаполис)** - икки ёки ундан ортиқ агломератсияларнинг худудий жихатдан кўшилиб кетишидан ҳосил бўлган урбанизатсиялашган худуд. Қадимги Гретсиядаги Аркадийларнинг бош шаҳри Мегапол номидан олинган. У 35

та қишлоқни қўшилишидан ҳосил бўлган. Дунёдаги йирик мегалополислар Бос-Ваш, Токайдо, Чипитс, Сан-Сан ва ҳ.к. Бу терминни биринчи бўлиб Ж.Готтман қўллаган.

**Мегаполис** - йирик шаҳарнинг ўз маъмурий ҳудудий доирасидан атрофга чиқиши ва кенгайиб бориши. БМТ кўрсатмасига биноан аҳоли сони 8 млн.дан ортган шаҳар, айрим ҳолларда аҳоли сони кам бўлса ҳам, мамлакатнинг бош шаҳри шу ном билан юритилади. М: Тошкент шаҳри.

**Мегополис** - энг йирик шаҳар, “шаҳар – район” ёки “агломерациялар агломерацияси”. 1950 – йилларда америкалик географлар (Жон Готтман) АҚШда янада катта шаҳар ҳосилалари – **мегаполис** ларнинг шаклланганлигини қайд этдилар. Ҳозирги вақтда АҚШда учта ана шундай мегаполис мавжуд: булар –Шимоли – Шарқий, Кўлбўйи ва Калифорния мегаполисларидир.

**Мезогеографик ўрин** –шаҳарнинг яқин атрофганисбатан тутган ўрни. Масалан, денгиз, кўл соҳиллари, ўрмон, тоғли районлар ва бошқ.

**Методика** – методикага тегишли, қабтий кетма-кетликка (алгоритмик характерга), тизимга, илгаридан ўрнатилган режа (қоида), тизимга аниқ риоя қилиш.

**Меҳнат ресурслари (Лабоур оф ресоурсес)** – мамлакат аҳолисининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги қисми, иқтисодий ресурсларнинг таркибий унсури; 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар, 60 ёшгача бўлган эркаклар меҳнат ресурсларига киритилади.

**Меҳнат тақсимоти (Дивисион од лабоур)** – меҳнат турларининг бир-биридан ажралиб мустақил аҳамият касб этиши; меҳнат турларининг ихтисослашуви

**Меҳнат тақсимоти**-- ижтимоий меҳнатнинг мустақил вазифаларини бажарувчи меҳнат турларига ажралиш жараёнидан иборат. Меҳнат тақсимоти юз берганда бир меҳнат туридан иккинчиси, иккинчисидан учинчиси ва ҳоказо ажралиб чиқади ва шу жараён узлуксиз давом этаверади

**Микрогеографик ўрин** - шаҳарнинг бевосита ўрнашган жойи. Масалан, дарё, сой бўйида, тепалиқда, жарлик ёнида ва ҳк..

**Миллат** - инсонларнинг тарихан шаклланган умумжамоа гуруҳлари. Миллатга ҳаёт моддий шароитлари ва ҳудуднинг умумийлиги, тил ва миллий характер бирлиги хосдир



**Модернизация (Модернизация)** - замонавийлаштириш.

**Моноцентрик агломерация** – йирик шаҳар атрофида йўлдош шаҳарларнинг пайдо бўлиши.

**Наманган шаҳри** - республикамизнинг қадимий шаҳарларидан бири. Бу шаҳар 1610 – йилда барпо бўлган. У водийнинг шимолий қисмида Шимолий Фарғона канали билан Наманган сой кесишган жойдан ўрин олган. Шаҳар Номак кон деб аталган туз кони яқинида вужудга келган. Шунинг учун ҳам у кейинчалик Наманган деган ном олган.

**Р у р б а н и з а ц и я** (инглизча “рурал” – “қишлоқ”) — “қишлоқ жойлар урбанизацияси. Бу термин дастлаб ҳинд илмий адабиётларида пайдо бўлди.

**Республикага бўйсунувчи шаҳарлар** - йирик иқтисодий маданий ва маъмурий марказлар. Бундай шаҳарларда яшаган аҳоли сони 500 мингдан ортиқ бўлиши шарт.

**С у б у р б а н и з а ц и я** - йирик шаҳарларни ўз атрофи билан биргаликда тез ривожланиб, асосий йирик шаҳар билан унинг атрофи зонаси ўртасида аҳолининг қайта тақсимланиш жараёни.

**Сиёсий географик ўрин** - шаҳар ёки мамлакатларнинг қандай сиёсий йўналишларга эга бўлган шаҳарларга тутган ўрни.

**Силлабус** - лат. Syllabus Errorum — рўйхат, каталог деган маънони англатади.

**Социал - ижтимоий география** - аҳоли ва аҳоли пунктлари географияси, шаҳарлар географияси (геоурбанистика), қишлоқлар географияси, аҳолига хизмат курсатиш, соҳалар (савдо, маданий, маиший, медицина, мориф ва бошқалар) географияси, тижорат географияси ва хоказо.

**Субурбанизация (Субурбанизация)**-Йирик шаҳарлардан аҳоли бир қисмининг шаҳар атрофига кўчиб ўтиши ва шаҳарнинг шаҳар ёнида ўсиши.

**Табиий географик ўрни** - шаҳарларнинг табиий географик объектларга (масалан ўлка, текислик, тоғ олди зоналари, дарё ва денгизлар) нисбатан тутган ўрни.

**Табиий ресурс**- кишилиқ жамияти фаолияти учун зарур бўлган ва ҳақжаликда бевосита фойдаланиладиган табиий элементлар. Уларга тупроқлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, минерал хом ашё, сув ва б лар киради.

**Табиий шароит**- маълум бмр пайтда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ҳамда жамиятнинг ҳаёти ва хўжалик фаолияти учун муҳим бўлган, аммо моддий ва номоддий ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайдиган табиат кучлари, нарса ва ҳодисалардир.

**Тоғ-кон шаҳарлари** - ер ости бойликларини ишга солиш туфайли барпо бўлган шаҳарлар.

**Туманга бўйсунувчи шаҳарлар** - саноат корхоналари, коммунал хўжалиги, давлат турар жойи фонди, ижтимоий-маданий ташкилотлари, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мавжуд бўлган ҳамда аҳолиси 7 мингдан кам бўлмаган шаҳар посёлкалари.

**Ўзбекистонда шаҳарлари** - 124 та шаҳар ва шаҳар типигаги посёлкалар. Шаҳарлар сонининг деярли 2/3 қисми сўнгги 25 – 30 йилда вужудга келган. Тошкент, Фарғона, Марғилон, Самарқанд, Андижон шаҳар агломерациялари таркиб топди. Айти пайтда агломерациялар доирасида қишлоқлар ҳам шаҳарлашиб бормоқда.

**Урбанизация (Урбанисатион)**- лотинча сўздан олинган бўлиб, Урбан –шаҳар затсия- жараён маъносини англатади, яъни шаҳарлашиш демакдир.

**Урбанизатсия даражаси (Субурбанизатион)**-мамлакат ёки муайян ҳудудда яшайдиган жами аҳоли сониди шаҳар аҳолисининг салмоғи.

**Ўрта Осиё**- Марказий Осиё атамаси географик нуқтаи назардан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон республикалари учун мос келмагани сабабли мазкур ҳудуд учун Ўрта Осиё атамаси қўлланилади. Табиий географик жиҳатдан бу ўлкага Қозоғистоннинг шимолий қисми кирмасада, иқтисодий географияда давлат бир бутун ҳолда сиёсий чегаралар доирасида ўрганилади ва Қозоғистон шу ўлка таркибида ўрганилади.

**Хом ашё омили** - фйрим маҳсулотларни олиш учун хомашё кўпроқ сарфланади. Шунинг учун бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар мумкин қадар хомашё районларига яқин жойлаштирилади. Хом ашёга асосланган саноат тармоқларининг географиясини ўрганиш энг аввало, мамлакат табиий шароити ва бойликларини билишни талаб этади.

**Чўзик агломерация** – денгиз соҳили, дарё қирғоғи ёки темир йўл магистрالي бўйлаб узунасига жойлашган агломерация.

**Шаҳар (Сити)** -аҳоли ва қишлоқ хўжалигига хос бўлмаган тармоқлар мужассамланган аҳоли манзилгоҳи.

**Шаҳарлар агломерацияси** - Йирик шаҳар агломерациялари ривожланган бошқа мамлакатларда ҳам таракқий этган. Чунончи, Буюк Британияда бир неча агломерация (Бирменгем, Манчестер, Ливерполь, Глазго), Германиянинг Руур саноат районидаги шаҳар агломерациялари (Дуйсбург, Дортмунд, Эссен, Дюссельдорф, Вупперталь, Кёльн, Бохум), Голландиянинг деярли барча шаҳар аҳолисининг ўзида тўпланган “Рандштат Голланд” агломерацияси (Амстердам, Роттердам, Гаага, Гарлем, Утрехт, Лейден ва б.), Японияда бир – бири билан қўшилиб кетган Токио, Кавасаки, Иокогама, Осака, Кобе, Киото ёки умумий “Токайдо” мегалополиси ва бошқалар шулар жумласидандир. Конурбация ва мегалополис тушунчалари Ғарбий Европа мамлакатада кўп ўрганилган.

**Шаҳарлар географияси (географхй оф тхе ситиес)**-иқтисодий ва ижтимоий географиянинг алоҳида бир тармоғи бўлиб, у турли мамлакат ёки раёнларда шаҳарларнинг вужудга келиш ва ривожланиш хусусиятлари, уларнинг мураккаб ҳудудий тизимларининг шаклланиш қонуниятларини ўрганади.

**Шаҳарлар географияси** – шаҳарларнинг ҳудудий тарқалиши, генезиси, функционал типлари, шаҳарлар агломерациялари, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш қонуниятларини ўрганувчи иқтисодий-ижтимоий географиянинг бир тармоғи.

**Шаҳарлар иерархияси (хиерарчй оф тхе ситиес)**- шаҳарларнинг аҳоли сонига кўра эгаллаган ўрни. Геоурбанистикада шаҳарларнинг ўлчами уларнинг аҳоли сони билан ўлчанади.

**Шаҳарларнинг вужудга келтирувчи омиллар** – саноат, транспорт, савдо, қурилиш, илм-фан, кон, курорт, Қўриқ ерни ўзлаштириш ва бошқалар.

**Шаҳарларнинг функциялари (функсионс оф тхе ситиес)**- географик меҳнат тақсимоотида шаҳарларнинг бажарувчи вазифалари бўлиб, унда аҳолининг

иқтисодиёт тармоқларида бандлик таркиби асос қилиб олинади. Бу кўрсаткич мамлакат шаҳар жойлари бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори бўлиши лозим.

**Электроэнергия омили.** Бу соҳанинг ўзига хос хусусияти шундаки, у яратган маҳсулот - электр қувватини жамғариб, омборхоналарда йиғиб бўлмайди, ундан айна пайтнинг ўзида фойдаланиш керак.

**Эски шаҳар** – Чор Россияси давригача вужудга келган қадимий шаҳарлар

**Янги шаҳар** – Чор Россияси даврида барпо бўлган шаҳар ёки қадимий шаҳарларнинг ёнида барпо этилган аҳоли пунктлари

## ХУЛОСА

Бугунги глобаллашув жараёни фаол кечаётган шароитда демографик жараёнлар хусусиятлари ўтган асрга нисбатан тубдан фарқ қилади. Яъни ишлаб чиқариш тезлиги ва аҳоли даромадлари юқори, коммуникациялар ривожланган, қулай шарт-шароитларга эга бўлган минтақаларга меҳнат ресурсларининг интилиши билан характерланади. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида режалаштирилган иқтисодиётдан фарқли ўларок, демографик жараёнларга янгича ёндошишни тақозо этмоқда. Шу боис, дунё ва республикамиз аҳолиси ва шаҳарлари билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этишда илмий мактабларнинг пайдо бўлиши, демографик жараёнлар қонуниятларининг чуқур таҳлил этилиши бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур БМИ да шаҳарлар географияси фанининг умумтаълим мактабларида ўқитилиш муаммоларига озгина бўлсада эътибор қаратилиши тадқиқот мавзусининг илмий ва амалий аҳамиятини асослайди ҳамда унинг долзарблигини белгилайди.

Мазкур ишни бажариш жараёнида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Шаҳарлар географияси фанини ўқитишда педагогик технологиялар ва улардан фойдаланиш, яъни интерфаол усулли технологиялар;
2. География таълимида технологик харита ва уни тузиш йўллари бўйича айрим ёндашувлар очиб берилди.
3. Шаҳарлар географиясининг назарий масалалари ва уларни умумтаълим мактабларида ўқитилиш муаммолари ёритилди;
4. Аҳоли сони, ёш, жинсий ирқий, этник ва диний таркиби ва таркиби мавзусини ўқишда педагогик технологиялардан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилди;
5. Аҳоли жойлашуви ва миграцияси мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланишнинг айрим йўллари кўрсатилди;
6. Аҳоли манзилгоҳлари. Урбанизация мавзусини ўқитишда инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари бўйича айрим тавсиялар ишлаб чиқилди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ата-Мирзаев О. Б., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Т.: Университет, 2002. – 125 с.
2. Ахмедов Э.А. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида.- Т., 2004.
3. Таштаева С. Шаҳарлар географияси. Ўқув-услубий мажмуа. Т., 2014, ЎЗМУ ички тармоғи.
4. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон: Халқаро илмий – амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2007.
5. Ахмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. - Т.: ибн Сино, 2002.
6. Камолдинов М., Вахобжонов Б. Инновацион педагогик технология асослари. – Т.: Талқин, 2010.
7. Мусаев П., Мусаев Ж. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси (8-синф дарслиги). – Т.: Ўзбекистон, 2010.
8. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. –Т., 2003.
9. Қаюмов А., Сафаров И., Тиллабоева М. Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси (9-синф дарслиги). – Т.: Ўбекистон, 2011.
10. Қодиров Р.Б.Аҳоли ва меҳнат ресурслари. – Андижон, 2010.

### Электрон манбалар

14. [http:// www.un.org/ esa/ population/ publikations/ WUR 2005](http://www.un.org/esa/population/publikations/WUR2005).БМТнинг “Жаҳон урбанизацияси истикболлари”.
15. [http:// www. usbektourism/ us/](http://www.usbektourism.us/)-Тошкент, Самарқанд, Хива, Бухоро, Шаҳрисабз, Термизнинг бой ва кўҳна тарихи.
16. [http:// www gretestcities com](http://www.gretestcities.com)-Энг йирик шаҳарлар.
17. [http: www .urban. org .ru](http://www.urban.org.ru) –Урбанизация.
18. [www.Ziyo.net](http://www.Ziyo.net)